

## Сув тармоқларини тортишга доир шартномаси

№ 6

114-10-146-ОВ/2022-сон

Янгийул тумани

12.09.2022 й.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Янгийул туман Ободонлаштириш бўлими номидан Низом асосида иш кўрувчи (устав, низом, ишончнома) М.Достонов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «KARIM USMAN» mas'uliyati cheklangan jamiyati номидан Низом (устав, низом, ишончнома) асосида иш кўрувчи У.Усманов иккинчи томондан Тошкент вилояти, Тошкент вилояти, Янгийул тумани, Кукалам маҳалласига сув тармоқларини тортиш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда сув тармоқларини тортишга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

сув тармоқларини тортиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси.

сув тармоқларини тортиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вакцинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан ишлар майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вакцинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиллаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Тошкент вилояти, Янгийул тумани, Кукалам маҳалласига сув тармоқларини тортиш ишларни лойиҳада қўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда сув тармоқларини тортиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига тортиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (Энг яхши таклифни танлаб олиш) натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг Қарори (08.09.2022 йилдаги 144166-лот баённомаси) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 415 000 000 (Турт юз ун беш миллион) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг ишлари бир йилдан ортикка ўзгартирилганда.

5. Ишлар муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

1-иловага мувофиқ ишлар майдонида зарур материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

ишлар майдони ҳудудида сув тармоқларини тортиш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

ишлар майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чирокларни ўрнатиш;

ишлар таваккалчиликларини сугурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда ишлар майдонини ўзига тегишли машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

ишлар майдони қурикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган ишлар майдонини объект ишлари ва ишлар тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **VI. Ишларни бажариш муддатлари**

10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома конун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган ишларнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 20 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### **VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматнинг 30% яъни 124 500 000 (Бир юз йигирма тўрт миллион беш юз минг) сўм миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 70 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган Ишлар тугаллангандан кейин икки босқичда тўланадиган миқдор фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда;

объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида - ишлар қийматининг камида 70 фоизи миқдорида;

мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин-ишлар қийматининг 3 фоизигача миқдорида, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### **VIII. Ишларни бажариш**

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи

томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган ишлар майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Ишлар майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи ишлар майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортқича тупрок ва ишлар ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи ишлар майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишлар майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Ишлар майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан ишланган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан ишларда қўлланиладиган материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 3 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исгалган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига қийдий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан ва ишлар қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи ишлар майдонини ва унга туташ қўча полчасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, ишлар даврида майдондан ишлар ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар; асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан коникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### **IX. Ишларни кўриклаш**

39. Пудратчи ишлар бошланишидан ишлар тугаллангунгача ва ишлари тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган ишлар майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **XI. Ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

44. Ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган кондаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 2 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

#### **XII. Кафолатлар**

48. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиҳа ҳужжатларига ҳамда ишлар меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан ишлар учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида Объектнинг том қисми кафолат муддати ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортиган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

#### **XIII. Шартномани бекор қилиш**

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;  
ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;  
Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;  
конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### 53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;  
Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;  
конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдириш­но­ма ю­бо­ра­ди.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 0,7 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўла­ни­ши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,1 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 0,3 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,2 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,3 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, ишлар меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилиш­на­зо­рат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,2 фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан қўриб чиқилади.

### XVI. Коррупцияга қарши курашиш бўйича бандлар

66. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш доирасида томонлар коррупсияга қарши курашини қоидаларига, шу жумладан амалдаги конун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлайди;

уларнинг ходимлари, филиаллари, бенефициарлари ва уларнинг шериклари, шартномани бажариш бўйича пора бериш ёки олиш, порахўрликда воситачилик қилиш, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора беришдан воз кечишларини таъминлаш ёки моддий ёки номоддий фойда олиш ҳамда томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш чораларини куришни кафолатлайди;

67. Коррупсияга қарши кураш қондалари бузилган ёки асосли шубҳалар юзага келган тақдирда томонлар бир-бирларини дарҳол ёзма равишда (антисоррупцион@укс.уз) электрон почта орқали ёки телефон орқали (+9978-140-74-48) хабардор қилиш мажбуриятини оладилар. Томонлар вазиятга оидинлик киритиш мақсадида ёзма тушунтириш талаб қилишга ҳақли. Мурожаатни қабул қилган Томон еса 10 (ун) иш куни ичида ўз фикрини билдириши ёки изоҳ бериши мумкин.

68. Ушбу банддаги талаблар бажарилмаганда, шу жумладан, коррупция хавфини белгиланган муддатда бартараф етиш, тарафлар томонидан коррупсияга оид вазиятнинг пасайишига олиб келадиган чоралар қурилмаган тақдирда, бошқа томон шартномани бекор қилиш ёки унинг бажарилишини тўхтатиб туришга ҳақли.

69. Ушбу бандда назарда тутилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилишни талаб қилган тарафга етказилган зарарни қоплаш ушбу шартноманинг 5-бандида назарда тутилган тартибда амалга оширилади, шу билан бирга ушбу бандда назарда тутилган мажбуриятларни бузган томон шартномани бир томонлама бекор қилиш натижасида етказилган зарарлар учун компенсацияни талаб қилишга ҳақли эмас.

#### XVII. Алоҳида шартлар

70. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро қелишувлари ўз кучини йўқотади.

71. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

72. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

73. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

74. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

75. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

76. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусxada тузилди.

77. Шартнома амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

#### XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

**Буюртмачи:**

**Пудратчи:**

**Янгийул туман Ободонлаштириш бўлими**

**«KARIM USMAN» МЧЖ**

Манзил: Янгийул тумани Гулбахор кўрғони

Манзил: Янгийул т., гулбахор кўрғони

Х/р: 100022860272597065200110001

Х/р: 20 208 000 405 091 054 001

Ҳазначилиги х/р: 23402000300100001010

ИНН: 306 464 368

ИНН: 201122919 ИНН: 206105483

МФО: 01 037

Банк: Тошк.ш., МБ ХККМ.

Банк: АТБ "Кишлоқ Қурилиш Банк" Янгийул

МФО: 00:014

бош.амал.бошқармаси

Раҳбар:

М.Достонов

Раҳбар:

У.Усманов





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

“KARIM USMAN” Mas’uliyati cheklangan jamiyat

(Tunda shaxsning – tadbirkorlik subyektlarining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda (bq. nomi))

“KARIM USMAN” MChJ

(Tunda shaxsning o'zgartirilgan nomi)

Tashkiliy olish (qayta tashkiliy olish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

29.05.2019

728540

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

(Sana o'zgarishi bo'yicha)

Solliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306464368

Tashkiliy-huquqiy  
shakli

Mas’uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joy:

Toshkent viloyati, Yangiyo'l tumani, Gulbahor, Samarqand ko'chasi  
raqamsiz uy.

Guvohnoma

Toshkent viloyati, Yangiyo'l tumani, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

lomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 144166 на приобретение Установка поливочных сетей.

Способ проведения электронный

Дата 08.09.2022

Время рассмотрения 08.09.2022 20:49

Конкурсная комиссия Янгийул тумани Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	DOSTONOV MUSURMAN ISMATULLAYEVICH	Direktor	Komissiya rayisi
<b>Секретарь комиссии</b>	MAJIDOVA NILUFAR ABDURAXMONOVNA	Котиба	Янгийул тумани Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	BABANAZAROV BAYMURAT KARSHIYEVICH	Бош иктисодчи	Янгийул тумани Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	VOIYSOV ABDUKARIM ABDUSALOM	mexanik	Obodonlashtirish
<b>Член комиссии</b>	Elmurodov Husniddin Baxtiyorovich	Infratuzilma obektlaridan foydalanish bo'lim boshlig'i.	Azo
<b>Член комиссии</b>	SULEYMANOV MARAT EREJEPOVICH	Obodonlashtirish obektlarni saqlash bo'lim boshlig'i	azo

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 08.09.2022 года № лота 144166.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Работы по монтажу поливочных систем дождевания с применением спринклера</b>
Подробное описание	Установка поливочных сетей в МСГ Кукалам, Янгиюльского района, Ташкентской области.
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	416 476 714.58
Стартовая сумма	416 476 714.58
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: "Иштирокчи" ташкилот ва фаолияти тугрисида маълумот.

Обязательность: Критично



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STROY MELIO MONTAJ МЧЖ	15	хужжатлар мавжуд	15	Экспертная		
ООО KARIM USMAN	15	15	15	Экспертная		

Критерий №2 Кафолат хати.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишлатиладиган товар ва хом ашёларнинг сифати, кафолат муддати, ўрнатиладиган қурилмаларга 12 (ўн икки) ой давомида кафолат бериши ва бепул техник хизмат кўрсатиш кафолати.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STROY MELIO MONTAJ МЧЖ	15	кафолат хати	15	Экспертная		
ООО KARIM USMAN	15	15	15	Экспертная		

Критерий №3 Кафолат хати.

Тип: Текстовое значение

Описание: Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича кафолат хати.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STROY MELIO MONTAJ МЧЖ	15	кафолат хати коррупция	15	Экспертная		
ООО KARIM USMAN	15	15	15	Экспертная		

Критерий №4 Банкдан маълумотнома.

Тип: Текстовое значение

Описание: Картотека 2 дан қарздорлиги йуклиги тугрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STROY MELIO MONTAJ МЧЖ	15	картотека -2 йуклиги банк малумотномаси	15	Экспертная		
ООО KARIM USMAN	15	15	15	Экспертная		

Критерий №5 Маълумотнома.

Тип: Текстовое значение

Описание: Эълон амал қилиш даврида иштирокчининг ДСидан ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги

мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STROY MELIO MONTAJ МЧЖ	15	дси ва миб карзи йуклиги	12	Экспертная		
ООО KARIM USMAN	15	15	15	Экспертная		

Критерий №6 Маълумотнома.

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STROY MELIO MONTAJ МЧЖ	15	хужжатлар мавжуд	12	Экспертная		
ООО KARIM USMAN	15	15	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
STROY MELIO MONTAJ МЧЖ	416 476 714.58	385 300 000.00 UZS	385 300 000.00	00.00	385 300 000.00	06.09.2022 10:53:04	00.00
ООО KARIM USMAN	416 476 714.58	415 000 000.00 UZS	415 000 000.00	00.00	415 000 000.00	06.09.2022 16:09:54	00.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
STROY MELIO MONTAJ МЧЖ	93.333	0	93.333
ООО KARIM USMAN	100	0	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 144166 от 08.09.2022 года на приобретение Установка поливочных сетей. определила победителем:

ООО KARIM USMAN  
306464368

и резервный исполнитель: STROY MELIO MONTAJ МЧЖ (302369353)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	DOSTONOV MUSURMAN ISMATULLAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	Elmurodov Husniddin Baxtiyorovich	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SULEYMANOV MARAT EREJEPOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	VOIYSOV ABDUKARIM ABDUSALOM	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



**БАЁННОМА № 19**

Янгийул тумани

"12" сентябр 2022 йил

Раислик қилувчи:

Янгийул тумани Ободонлаштириш

булими раҳбари:

М.Достонов

Қатнашчилар:

комиссия аъзолари

(Х.Элмуратов, М.Сулейманов, А.Воисов, Б.Бабаназаров, Н.Мажидова)

**КУН ТАРТИБИ**


Тошкент вилояти, Янгийул тумани, Кукалам маҳалласига сув тармоқларини тўртиш ишлари бўйича.

2022 йил 08 сентябрдаги Давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган "Тошкент вилояти, Янгийул тумани, Кукалам маҳалласига сув тармоқларини тўртиш ишлари" баённомасига асосан эълон якунига кўра, комиссия аъзолари томонидан МЧЖ «KARIM USMAN» ташкилотини олиб деб топилганлигини инобатга олиб;

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги УПК, 684-сон Қоқунининг 62-моддаси 3-бандига асосан баённома Давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 08 сентябрдаги баённомасига асосан МЧЖ «KARIM USMAN» ташкилоти голиб деб топилганлигини инобатга олиб, ташкилот билан қонунчиликка асосан шартнома расмийлаштирилсин.

Комиссия аъзолари:



Х.Элмуратов

М.Сулейманов

А.Воисов

Б.Бабаназаров

Н.Мажидова



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
TOSHKENT VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI  
YANGIYO‘L TUMAN ADLIYA BO‘LIMI YURIDIK XIZMAT  
KO‘RSATISH MARKAZI**

110800, Yangiyo‘l tumani, Yoshlik ko‘chasi,  
tel: 998 70 602 07 72, el.pochta: yangiyo‘l-t@adliya.uz

---

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**1. Loyihaning turi: Shartnoma.**

**2. Loyihaning nomi: Xizmat ko‘rsatish shartnomasi.**

“KARIM USMAN” MCHJ hamda Yangiyo‘l tumani Obodonlashtirish boshqarmasi o‘rtasida 2022 yil 12 sentabrda № 6- sonli shartnoma umumiy summasi 415 000 000 (to‘rt yuz o‘n besh million) so‘m bo‘lgan, loyiha ilovasida Кукалам маҳалласига сув тармоқларини тортиш ишларини bajarish mahsulotlarini yetkazib berish to‘g‘risida shartnoma loyihasi.

**3. Loyiha taqdim etuvchi to‘g‘risida ma‘lumot:** Shartnoma loyihasi “KARIM USMAN” MCHJ tomonidan ishlab chiqilgan. Yangiyo‘l tumani obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan Markazga huquqiy ekspertizadan o‘tkazish uchun 09.09.2022 yilda kiritilgan. Hujjat raqami SB02337156.

**4. Ushbu shartnoma loyihasi Fuqarolik kodeksi hamda 1998 yil 29 avgustdagi 670-I-sonli “Xo‘jalik yurituvchi sub‘yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi qonuni bilan tartibga solinadi.**

Shuningdek, loyihaga ilova qilingan hujjatlar bilan tanishib chiqilganda, Obodonlashtirish boshqarmasi xarid komissiyasining O‘zbekiston Respublikasining 22.04.2021 yildagi O‘RQ-684-sonli “DAVLAT XARIDLARI TO‘G‘RISIDA”gi Qonunining 62-moddasi talabiga ko‘ra o‘tkazilgan tanlashni o‘tkazish natijalariga asosan tuzilgan bayonnomasi 08.09.2022 yildagi № 144166 lot orqali “KARIM USMAN” MCHJ g‘olib deb topilgan.

Yuqorida keltirilganlarga hamda huquqiy ekspertiza natijalariga asosan,

## XULOSA:

**Birinchidan,** Loyiha va unga ilova qilingan hujjatlar bilan tanishib chiqilgandan so`ng amaldagi qonun hujjatlariga asosan ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq degan xulosaga kelindi;

**Ikkinchidan,** Obodonlashtirish boshqarmasi xarid komissiyasining faoliyatining tashkil qilinishi hamda baholash mezonlarining to`g`ri o`tkazilganligi hamda komissiya a`zolarining elektron ovoz berishdagi ishtiroki to`g`risidagi masalalar yuzasidan shaxsiy mas`uliyat xarid komissiyasi raisi va a`zolarida ekanligi tushuntiriladi;

**Bundan tashqari uchinchidan,** loyiha taqdim etuvchiga, O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2007 yil 28 fevraldagi PQ-594-sonli “Davlat budjetining g`azna ijrosi tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to`g`risida”gi Qarori talablari asosida G`aznachilik bo`limidan majburiy tartibda ro`yxatdan o`tkazish lozimligi, ushbu shartnoma ro`yxatdan o`tkazilgandan so`ng kuchga ega bo`lishi to`g`risida ma`lum qilinadi.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga asosan ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

*Izoh: Shartnomaning moliyaviy jihati bilan bog`liq masalalar huquqiy ekspertiza predmetiga kirmaydi.*

**Yangiyo`l tumani adliya bo`limi yuridik  
xizmat ko`rsatish markazi bosh yuriskonsulti**



**N.Absalamov**  
13.09.2022 yil